IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934
VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ЎЗИГА ХОС ИМКОНИЯТЛАРИ

Авазов Шукрулло Ибатович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси
Email: Avazov2020@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада жисмоний тарбия ва спортнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни, шахс камолотига таъсири, унинг ижобий хусусиятлари келтирилган. Шунингдек, ёшларни спортга бўлган қобилият ва қизиқишларини ошириш, спортни оммалаштириш, аҳоли соғломлигини фаоллаштириш масалалари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калит сўзлар
Жисмоний тарбия, оила, спорт, соғлом авлод, миллат саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, жисмоний тайёргарлик, мусобақа, маҳорат, машғулот, ғалаба, қобилият.

Аннотация

В данной статье представлена роль физического воспитания и спорта в воспитании молодого поколения, его влияние на развитие личности, а также его положительные особенности.Также с социально-философской точки зрения освещены вопросы повышения способностей и интереса молодежи к спорту, популяризации спорта, активизации здоровья населения.

Ключевые слова
Физическое воспитание, семья, спорт, здоровое поколение, здоровье нации, здоровый образ жизни, физическая подготовленность, конкуренция, мастерство, тренировка, победа, способности.

Жисмоний тарбия ва спорт инсоннинг нафақат жисмоний балки маънавий камолотга эришишда муҳим омиллардан бирига айланди. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ижтимоий соҳанинг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт ишларини янгича ташкил қилиш, энг илғор тажрибалар ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларининг ҳаётга кенг тадбиқ этилиши жисмоний тарбия ва спортнинг турли йўналишларида ёшлар спортига эътибор қилинаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, умумхалқ ҳаракатига айлантирилди. Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмиш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Ана шундай масалалар ечимини топиш мақсадида юртимизда кўзга кўринарли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан: болаларнинг жисмонан соғлом бўлишлари учун барпо этилаётган турли хил, замонавий дунё стандарт талабларига жавоб берадиган, шинам, ҳашаматли, жозибадор, муҳташам ва энг муҳими қулай спорт иншоатларини қурилиши фикримизни исботлаб турибди. Ана шундай ҳар томонлама қулай бўлган спорт мажмуаларида спортнинг ҳар хил йўналишларида шуғулланиб, ўз иқтидорини сайқаллаб, истиқлол берган

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

имкониятлардан унумли фойдаланган ёшлар нафақат Ўзбекистонда балки жаҳон миқёсида ҳам таҳсинга лойиқ юксак ютуқ ва ўлкан марраларни қўлга киритмоқдалар.

Республикамизнинг барча ҳудудларида қад рослаётган бири-биридан кўркам замонавий спорт мажмуалари, спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари ва уларда шуғулланиб, халқаро ареналарда муваффақиятга эришаётган ўғил-қизларнинг сони тобора ортиб бораётгани, энг муҳими, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи қарор топаётганлиги мазкур ишларнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов инсон камолотида спортнинг аҳамияти ҳақида ҳаётий қилиб таърифлаганларидек, “Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалаба ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди”. Энг муҳими, Ўзбекистон ёшлари жаҳон спорт майдонларида эришаётган бундай ютуқ ва натижалар мамлакатимизда болалар спортини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самарасидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач аёллар спортига ҳам алоҳида эътибор берилди ва уларнинг жисмонан соғлом бўлишлари учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, юртимизда қизларни спортга жалб этиш, спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида қизларни спорт соҳасидаги ютуқлари учун бир қанча имтиёзлар жорий этилди. Ҳеч қайси мамлакатда ёшларга айниқса, қизлар спортига бу даражада эътибор бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам спорт соҳасида қўлга киритилган ғалабаларда хотин-қизларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Жисмоний тарбия ва спорт умуммаданиятнинг муҳим тармоғи сифатида аҳолининг саломатлиги ва иш қобилиятини оширишга хизмат қилувчи муҳим воситадир. Унинг негизида инсон тарбияси, жисмоний баркамоллик, маданий дам олиш каби ижтимоий – тарбиявий кадрлар тайёрлаш, спорт иншоатларини кенгайтириш, турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш, уларга оммани жалб этиш мазмун жиҳатидан катта фаолиятларни ташкил этади. Спорт жисмоний тарбиянинг энг юқори чўққиси сифатида ўзига хос ижтимоий – тарбиявий хусусиятларга эгадир. Иқтидорли ёшларни танлаш, спортга бўлган қобилият ва қизиқишлари асосида уларни синов – тажрибалардан ўтказиш, спорт махорати билан қуроллантиришдек муҳим ва масъул фаолиятлар илмий жиҳатдан меҳнат қилишни тақозо этади.

Жисмоний тарбия воситалари ва спорт турларига кейинги йилларда етарлича шарт-шароитлар яратилиб, ишлаб чиқариш меҳнат жараёнларида (саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва хоказо) инсон саломатлигини яхшилаш, аҳолини соғломлаштириш, уларнинг меҳнат қобилиятини ошириш ва энг муҳим жисмоний чиниқиш масалалари яхши йўлга қўйилди. Таълим муассасалари, мактабгача тарбия ва бошқа турли муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий – тарбиявий жараён сифатида қаралиб, аҳоли орасида оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия спорт тадбирлари ташкил қилинмоқда. Ушбу спорт тадбирлари, таълим муассасаларида олиб бориладиган жисмоний тарбия машғулотлари орқали ўқувчи-ёшларни жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш, спорт маҳоратларини ошириш, ўқитувчи-мураббийлари иш фаолиятини янада такомилаштириш ҳамда, таълим муассасаларида кун тартибида олиб бориладиган

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

соғломлаштириш шаклларидан самарали фойдаланилса, жисмоний тарбия машғулотлари сифат даражаси ошади.

Хулоса қилиб айтганда баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний маданият ва спорт муҳим аҳамият касб этади. Соғлом турмуш тарзини шакиллантириш учун, юртимизнинг келажаги бўлган соғлом фикрли эстетик маданияти юқори бўлган авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун спорт билан шуғулланиш ва спорт ишларини аҳоли ўртасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот қилиш барчамизнинг вазифамиздир. Демак, миллатни соғломлаштириш ва уни дунёга танитишдек олий мақсадга эришиш йўлида яратилган мустаҳкам тизим яқин келажакда кутилганидан ҳам улкан натижалар беришига асло шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Спорт – баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим воситаси”. (8 ноябрь, 2005 йил Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида). // “Халқ сўзи” газетаси, 9 ноябрь, 2005.

2. Алламуратов Ш.И. Физиология ва спорт физиологияси. Дарслик. Тошкент, «Турон-Иқбол», 2010. - 216 бет.

3. Гончарова О.В. ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДЖТИ 2005.-172б.

4. Дадабаев О.Ж. – Здоровье формирующая педагогическая технология физического совершенствования студенческой молодежи. Республика илмий амалий материаллари, Т-2008. с 105-106.

WORDLY KNOWLEDGE